

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ХЎЖАЛИК МАДАНИЯТИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Анвар Соатович Шосаидов

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси,

E-mail: anvar.shosaidov1988@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Марказий Осиё халқларининг анъанавий хўжалик маданияти архив ҳужжатлари асосида ўрганилади. XIX–XX аср бошларига оид ҳужжатлар, хусусан деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо ва касб-ҳунар анъаналари таҳлил қилинади. Тадқиқотда архив материаллари асосида ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз ва туркман халқларининг хўжалик фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар ҳамда уларнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўрни ёритилган. Ушбу мақола Марказий Осиё халқларининг этнологик ва антропологик меросини тадқиқ этишда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Калит сўзлар: *Марказий Осиё, архив ҳужжатлари, анъанавий хўжалик, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, этнология, маданият.*

INFORMATION ON THE TRADITIONAL ECONOMIC CULTURE OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA IN ARCHIVAL DOCUMENTS

ABSTRACT

This article explores the traditional economic culture of the peoples of Central Asia based on archival documents. The study focuses on 19th – early 20th century materials reflecting agriculture, animal husbandry, craftsmanship, trade, and professional traditions. Using archival sources, the article highlights the specific features of the economic activities of Uzbeks, Tajiks, Kazakhs, Kyrgyz, and Turkmens, as well as their role in socio-cultural life. The research provides valuable sources for ethnological and anthropological studies of the cultural heritage of Central Asian peoples.

Keywords: *Central Asia, archival documents, traditional economy, agriculture, animal husbandry, craftsmanship, ethnology, culture.*

СВЕДЕНИЯ О ТРАДИЦИОННОЙ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЕ НАРОДОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуется традиционная хозяйственная культура народов Центральной Азии на основе архивных документов. Рассматриваются

материалы XIX – начала XX веков, отражающие земледелие, скотоводство, ремесленничество, торговлю и профессиональные традиции. На основе архивных источников раскрываются особенности хозяйственной деятельности узбеков, таджиков, казахов, киргизов и туркмен, а также их роль в социально-культурной жизни. Статья служит важным источником для этнологических и антропологических исследований культурного наследия народов Центральной Азии.

Ключевые слова: Центральная Азия, архивные документы, традиционное хозяйство, земледелие, скотоводство, ремесло, этнология, культура.

КИРИШ

Марказий Осиё халқларининг анъанавий хўжалик маданияти уларнинг тарихий тараққиёти, экологик муҳитга мослашуви ва ижтимоий тузилмаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб тизимдир. Чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо каби хўжалик шакллари асрлар давомида минтақа аҳолиси турмуш тарзининг асосини ташкил этиб келган. Ушбу хўжалик тармоқлари нафақат иқтисодий фаолият, балки маданий қадриятлар, урф-одатлар ва ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида ҳам муҳим рол ўйнаган.

Анъанавий хўжалик маданиятини ўрганишда ёзма манбалар, айниқса архив ҳужжатлари муҳим илмий аҳамиятга эга. XIX аср охири ва XX аср бошларига оид расмий ҳисоботлар, статистик маълумотлар, экспедитсия материаллари, солиқ дафтарлари ва маъмурий ёзишмалар Марказий Осиё халқларининг хўжалик фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлар орқали хўжалик турларининг ҳудудий фарқлари, ишлаб чиқариш усуллари ва уларнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини аниқлаш мумкин.

Мазкур мақоланинг мақсади архив ҳужжатлари асосида Марказий Осиё халқларининг анъанавий хўжалик маданиятига оид маълумотларни таҳлил қилиш, уларнинг тарихий шаклланиш жараёнини ёритиш ҳамда хўжалик фаолиятининг маданий жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Тадқиқотда тарихий-этнологик ёндашув асос қилиб олинди. Асосий манбалар сифатида Марказий Осиё ҳудудига оид **марказий ва маҳаллий архив фондлари**, хусусан маъмурий ҳисоботлар, статистик жадвал ва тавсифлар, этнографик ёзувлар ва экспедитсия материалларидан фойдаланилди.

Методологик жиҳатдан қуйидаги усуллар қўлланилди:

• **Тарихий-манбашунослик методи** — архив ҳужжатларининг келиб чиқиши, муаллифлик хусусияти ва яратилиш контекстини аниқлаш учун;

• **Қиёсий-этнологик таҳлил** — турли ҳудуд ва этник гуруҳлар ҳўжалик шакллари солиштириш орқали умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш мақсадида;

• **Контент-таҳлил** — архив ҳужжатларидаги ҳўжаликка оид терминлар, тавсифлар ва статистик маълумотларни тизимлаштириш учун;

• **Тарихий-динамик ёндашув** — анъанавий ҳўжалик шакллариининг вақт давомида ўзгаришини аниқлаш учун.

Мазкур методлар мажмуаси анъанавий ҳўжалик маданиятини фақат иқтисодий фаолият сифатида эмас, балки комплекс маданий ҳодиса сифатида талқин қилиш имконини берди.

Марказий Осиёлик кўчманчи этнослар этнографиясига доир XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида кўплаб маълумотлар ғарб тадқиқотчилар асарларида ўрин олган. Улар қуйидагича қизиқарли таснифлар берганлиги билан диққатни тортади: “Кимда ким кўчманчилик ҳаётини кўрмаган бўлса, унда у инсон ҳақиқий дунёни кўрмаган деб кўчманчи туркманлар ҳисоблашган. Туркманлар Пётр I даврида Манғишлоқдан Астрахан губернияларига кўчиб ўтишган. У ерда ўша даврда қалмиқлар яшаб келишган. Қалмиқлар эса бу ерларга Ставрополь томонлардан келишган деб такидланади. Туркманлар Ставрополь ва Кийзляр шаҳари оралиғи Куми дарёсининг ўнг қирғоғида яшашган дейишади. Туркманлар 3 катта гуруҳларга ёки 3 уруғларга бўлинишган¹. Булар: Човдур, Икдир ва Соин-аджи (суин-аджи) уларнинг орасида яна қирғиз уруғи бўлган дейишади. Туркманлар қўйчилик, йилқичилик ва туячилик билан шуғулланишган. Янги ўтлоқларга чорвани ҳайдаб бориш ҳам уларни кўчманчилик ҳаётига ундаган. Туркман халқи меҳмонлар учун биринчи бўлиб “қалмиқ чойи”ни дастурхонга қўйишган. Уларни ёқтирган ичимлиги эса қимиз бўлган”².

Яна қуйидагича маълумот учраб, мазмунан шундай: “Охотничий газетасининг №1 да фазан (ёввойи товук)ларнинг йўқолиб кетиши ҳақида ёзади. Рожездество байрамидан олдин Москвада фазанлар нархи олдингига қараганда ошганлиги кузатилади. Олдинги нарх 1 рубль 50 тийин бўлган кейинчалик 2 рубль бўлади. Бундан олдин фазанлар нархи бу даражада кўтарилмаган эди”³.

¹ ЎзР МА И 125-фонд, 1-рўйхат, 59-йиғма жилд, 54-варақ.

² ЎзР МА И 1-фонд, 2-рўйхат, 6788-йиғма жилд; Собрание статей о странах Средней Азии Томъ II (статьи из газет) 65 статей; Вучетичъ Н. Из кочевой жизни туркменцев//Туркестанский сборник 1867 С.193.

³ ЎзР МА И 125-фонд, 2-рўйхат, 98-йиғма жилд, 22-варақ.

1890 йил фазанлар кутилгандан ҳам ўн барабар Москвада ошиб кетганлиги ҳақида айтилади. Москва бозорларидаги фазанлар Сирдарё округидан келтирилганлиги ҳақида маълумот берилади. Бу жониворларни қирилишига чек қўйилмаса бу каби ноёб қушлар Кавказ тоғларидаги каби қолмаслиги ҳақида ҳам айтилиб ўтилади. Охирги йилларда ҳам Амударё бўйларидаги уездлардан ҳам жуда кўп фазанлар овланаётганлиги ҳақида айтилиб ўтилади.

1889 йил фазаларнинг Москва ва Тошкент бозорларида 60-70 тийин бўлганлиги ҳақида маълумот учрайди. Уларни йўқолиб кетмаслиги учун бозорларда агар урғочи фазанни кимда ким сотса, ушбу шахсга 10 рубл жарима солинган.

Тошкентнинг Воскресенский бозорида фазанлар сарт савдогарлари томонидан сотилган. Уларни қирғизлар отиб эмас, балким тўрларда ов қилишган⁴.

Зарафшон водийси жуда сер унум ерлардан бири ҳисобланиб, ундаги бой фауна ва флора диққатга сазовор эканлиги таъкидлаб ўтилган. Бу ўлкадаги барча чорвалар гўшти ва жуни билан жуда катта даромад олиб келади. Маҳаллий аҳоли томонидан ҳар бир чорвага қандай ерларда ўтлатиш лозим, улар қандай ўтлар билан озиқланиши шу тариқа номлашган:

- а) **шоҳли чорвалар учун** – лола-қизак, шўри, буғдоёк, ажрик, камгак, лота-хўр, ношвоши, пудино, бутроқ, гул-ҳайри
- б) **отлар учун** – буғдоёк, ажрик, кунак, соуқ-кувоқ
- с) **туялар учун** – янтоқ, исмалоқ, кокро, шура, камгак, читтер
- д) **қўйлар учун** – чатир, исмалоқ, қиз-қулоқ, оқчипор, таран, ривоч, оқ-бош, бурган, саган, жузган ва шу каби ўтлар билан чорвалар озиқланишган.

Яна бундан ташқари маҳаллий аҳоли ўзи беда ва жўхори экишган ҳамда қишга ҳам ғамлаб қўйишган⁵.

Тошкент уездига икки турдаги узумчилик йўлга қўйилган эди. Булар: руссларники (йирик узумзорлардан иборат) ва маҳаллий аҳолига тегишли бўлган (кичик узумзорлар). Русларнинг узумзорларида кавказ, қрим ва чет эл узум навларини етиштиришган. Бу узумларни етиштириш бўйича плантатор бўлмиш: Иванов, Первушини, Шевченко, Билоклокова, Женжаровлар, Барсуков ва бошқалар ном чиқаришган эди.

⁴ ЎзР МА И 1-фонд, 20-рўйхат, 6785-йиғма жилд, 100-варак.

Годлевский В.По поводу охоты на фазанов// Туркестанский ведомости, 1890 №6 С.23

⁵ ЎзР МА И 1-фонд, 20-рўйхат, 6785-йиғма жилд, 100-варак; Аредаренко Г. Скотоводство в Зерафшанской долине// Туркестанские ведомости, 1880 №34 -С.134-135

Маҳаллий аҳоли етиштирган узумлар тури кўп бўлмаган. Уларнинг шароб олиш амалиётида маҳорати катта бўлмаган. Шундай бўлса ҳам маҳаллий аҳоли 50 га яқин навларни етиштирган.

А.Оқ узум нави: 1) буваки, 2) хусайни, 3) калта хусайни, 4) қозоки, 5) Хожа Ахрор, 6) шакар-ангур, 7) оқ-кишмиш (хон), 8) чашма-бош, 9) оқ-челак, 10) майизи, 11) оқ-майиз, 12) савиз-ангур (савзингур), 13) сариғи-кишмиш, 14) васарга, 15) хасаки, 16) чилеки (чилики), 17) авпари, 18) дандон, 19) ҳасана, 20) нурбуаки, 21) суяки, 22) султони, 23) сиёб-чашма, 24) таг-узум, 25) майизак, 26) баба-ака, 27) шака-ракил⁶.

Б.Қизил ва пушти узум нави: 28) дорои, 29) сахиби, 30) қизил-челаки, 31) сиркон, 32) эчкимар, 33) чорпангур, 34) қизил узум, 35) қизил хусайни, 36) дон-рабае, 37) қарай, 38) наудаки, 39) қарши, 40) соҳиби-кишмиш, 41) шерғози кишмиш⁷.

С.Қора узум нави: 42) автай-чарос, 43) чарос, 44) автоби-кишмиш, 45) тағоби, 46) қора-майиз, 47) қора-хусайн, 48) қора-ғулом, 49) қора-чилеки.

Маҳаллий аҳоли етиштирган узумлар ҳаммасидан майиз тайёрлашган. Майиз тайёрлашда махсус кичкина данаксизларидан тайёрланган. Баъзи навларни хусусан **хоний, буаки, оқ-майиз, қора-майиз, шибирғони, чарос, хусайни** ва бошқаларни шаробчилик билан шуғулланадиган маҳаллий аҳолидан сотиб олиб шароб тайёрлашган⁸.

Маҳаллий аҳоли узумларни ўзлари тановул қилиб баъзиларини бозорларда сотишган. Узумлар Тошкентга яқин бўлган ҳудудлар ва шаҳарнинг ўзида жуда кўп етиштирилган⁹.

Тошкентда умумий майдони $455 \frac{1}{2}$ десятина бўлмиш 1768 та хўжалик узумчилик билан шуғулланган бўлса-да, қолган 2803 та хўжаликка 483 десятина ерда узумчилик билан шуғулланган. Тошкентнинг Булатовский волость 777 та хўжалик 160 десятина ерда, Зангиота 796 та хўжалик, Ниёзбекда 244 та хўжалик, Чирчиқ томонлардаги Жетикентский волости 599 та хўжалик, Пскентда 190 та хўжалик узумчилик билан шуғулланган¹⁰.

Тошкент қадимий тарихга эга бўлиб, у ўтган давр мобайнида кўпдан-кўп босқинчилик ва шафқатсизликларни бошидан кечирди. Шу сабабдан шаҳар халқи озодлик ва мустақиллик йўлида узоқ йиллар қаҳрамонона кураш олиб

⁶ ЎЗР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варак.

⁷ ЎЗР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варак.

⁸ ЎЗР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 6-варак.

⁹ ЎЗР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варак.

¹⁰ ЎЗР МА И 1-фонд, 1-рўйхат, 6785-йиғма жилд. Виноградарство в Ташкентском уезде//Туркестанский ведомости, 1903 год №40 С.244

борди. Тошкент қулай географик ўринда жойлашганлиги боис доим ўзга давлатларнинг эътиборини ўзига тортиб келган. Шаҳар ташқи душманлардан сақланиш учун ўша даврлардаёқ девор билан ўраб олинган эди. Тарихий маълумотларга кўра, XIX асрдаёқ Тошкент уч қатор айланма девор билан қуршаб олинган. Тошкент девори ҳақида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган: «18 асрнинг охирларида шаҳар мудофаа деворининг баландлиги салкам 8 метр, тепа қисмининг кенглиги 2 метргача бўлган. Девор айланасининг узунлиги 18,2 км., шаҳарнинг умумий майдони эса 26,4 кв. км.ни ташкил этган».

Тўхтовсиз урушлар натижасида шаҳар девори яроқсиз ҳолга келиб, қайта қуришни талаб қилгани боис XIX асрнинг ўрталарида Тошкент шаҳрининг бекларбеги шаҳар деворини қайтадан таъмирлатади. Бу вақтда девор баландлиги 10 метрдан ошиб, деворнинг юқори қисмида душманга ўқ отиш учун кўплаб шинаклар очилган эди. Шаҳар мудофаа деворининг 12 та дарвозаси (Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Қўқон, Қўймас, Бешёғоч, Камолон, Самарқанд, Кўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой) ва иккита қопқаси (яъни, 1 нафар отлик кириб чиқадиган туйнукчаси) бўлган. Бу 12 дарвозанинг ҳаммаси катта йўл устида қурилган бўлиб, дарвозалар мустаҳкам, қаттиқ ёғоч - тоғ арчасидан ясалган ва уст томонига нақшинкор безаклар берилган. Ҳар бир дарвозада жуфт халқалар ва калитлар бўлган. Калитлар дарвозабонлар қўлида сақланган. Дарвозабонлар дарвозани тонгда очиб, қуёш ботганда беркитганлар. Дарвоза ёпилгандан сўнг, уни очишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Фақатгина шаҳар ҳокимининг ўта зарур фармойиши бўлгандагина дарвозани очишга рухсат берилган. Дарвозадан ичкарига кирганда узун йўлак бўлиб, унинг икки томонида ҳужралар жойлашган. Ҳужраларнинг бири овқатланиш жойи бўлса, иккинчиси дам олиш хонаси бўлган. Дарвозабонлар вақти-вақти билан алмашилиб навбатчилик қилганлар. Шаҳарнинг ўн икки дарвозаси ортида ҳаёт қизғин давом этган. Маълумотларга кўра, шаҳарда боғдорчилик яхши ривожланган. Бу ерда ёнғоқ, олма, нок, шафтоли, узум етиштирилган. Шафтолининг шундай бир машҳур нави бўлганки, унинг бир донасидан бир пиёла шарбат чиққан. Ёнғоқнинг, айниқса, ғалвир деб номланган нави кўп бўлиб, унинг мағзи кўриниб турган. Тошкент ўзининг ажойиб манзараси ва гуллари билан ҳам ажралиб турган. Гуллар орасида, айниқса, Тошкент лоласи машҳур бўлган. Лоланинг бу нави саккиз, ўн икки япроқли бўлиб, улар бир-бирига ўхшамайдиган турли ранглар билан қопланган.

1741 йили Тошкентга келган татар савдогари Шубай Арслоновнинг Тошкент ҳақида маълумотлар келтирилиб, шаҳарнинг ўша даврдаги ташқи ва

ички манзараси қуйидагича тасвирланади: «Тошкент шаҳри қалин пахса девор ва зовурлар билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жиҳатидан Қозон шаҳрига тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз ҳолда пахса девор билан қурилган. Шаҳарда боғ ва масжидлар кўп. Катта масжидларда кўпчилик бўлиб намоз ўқиганлар¹¹. Дарвозалар олдида алоҳида миршаблар туради. Уларда тўп йўк, узоққа отадиган милтиқлар бор. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади. Шаҳарни ўн икки кишидан ташкил топган кенгаш бошқарган. Ҳукумат қароргоҳи Кўкча дарвозаси ёнидаги қалъада иш юритади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк қарвони олти кунда босиб ўтган. Иргиз дарёсидан Уфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхга йигирма кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган». 1865 йил 16 июнда чор Россияси қўшинлари шаҳарни босиб олгандан сўнг, ўн икки дарвозанинг рамзий олтин калитларини генерал Черняев 1865 йилда Петербургдаги ҳарбий музейга топширилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Таҳлил қилинган архив ҳужжатлари Марказий Осиё халқларининг анъанавий ҳўжалик маданияти ҳудудий ва этник жиҳатдан ранг-баранг бўлганини кўрсатади. Деҳқончилик билан шуғулланган воҳа аҳолиси ҳўжалиги суғориш тизимларига, ер эгалиги шакллари ва жамоавий меҳнат анъаналарига асосланган бўлса, чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи ва ярим кўчманчи гуруҳларда мавсумий кўчиш, яйловлардан фойдаланиш ва чорва турларига ихтисослашув устувор бўлган.

Архив ҳужжатларида ҳунармандчилик тармоқлари — кулолчилик, тўқимачилик, темирчилик ва ёғочсозлик каби фаолият турлари ҳам батафсил қайд этилган. Бу маълумотлар ҳунарларнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маросимий аҳамиятга ҳам эга бўлганини кўрсатади.

Шунингдек, ҳужжатлар орқали XX аср бошларида анъанавий ҳўжалик маданиятига ташқи омиллар — солиқ тизими, бозор муносабатлари ва маъмурий ислохотларнинг таъсири кучая бошлагани аниқланади.

МУҲОКАМА

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё халқларининг анъанавий ҳўжалик маданияти фақат иқтисодий фаолият сифатида эмас, балки мураккаб маданий тизим сифатида шаклланган. Архив ҳужжатларида акс этган маълумотлар ҳўжалик турларининг тарихий барқарорлиги ва ташқи сиёсий-иқтисодий омилларга мослашувчанлигини кўрсатади.

¹¹ Зиёев Ҳ. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Т.,2000. Б. 18

Бироқ архив манбаларини таҳлил қилишда уларнинг маълум даражада субектив характерга эга эканини ҳам ҳисобга олиш лозим. Кўплаб ҳужжатлар мустамлакачилик маъмурияти томонидан тузилган бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳўжалик фаолияти баъзан бирёқлама талқин қилинган. Шу сабабли архив материалларини оғзаки тарих, этнографик кузатувлар ва замонавий тадқиқотлар билан уйғун ҳолда ўрганиш муҳимдир.

Мазкур тадқиқот натижалари Марказий Осиё халқларининг ҳўжалик маданиятини чуқурроқ англашга хизмат қилади ва келгусида анъанавий ҳўжалик шакллариининг замонавий трансформатсиясини ўрганишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Хуллас, анъанавий этник ҳўжалик усуллари ҳақида архив ҳужжатларидаги маълумотлар Туркистон маҳаллий аҳолисининг турмуш тарзи турлича бўлганлиги, ўлканинг воҳа қисмида асосан деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланилгани, аксинча, чўл ва дашт қисмларида кўчманчи ҳаёт тарзи ҳукмрон ҳудудларда эса чорвачилик устуворлик қилгани кўзга ташланади. Хусусан, Қўқон хонлиги ҳудудида асосан ўтроқ ҳаёт тарзи устуворлик қилган бўлса, Бухоро амирлиги ҳудудида ҳар иккала ҳўжалик тарзи, Хива хонлигида эса ўтроқ ҳаёт билан биргаликда кўпроқ кўчманчи ҳўжалик устунлик қилгани маълум. Бу давр архив ҳужжатлари маълумотларида ҳам Туркистоннинг иккала ҳўжалик турмуш тарзи акс этган бўлиб, бу ҳолат ҳужжатларда ўрин олган турли иборалар, исм ва лақаблар, уруғ номлари, касб-корлик билан боғлиқ атамалар ва ҳоказолар асосида ўз тасдиғини топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзР МА И 125-фонд, 1-рўйҳат, 59-йиғма жилд, 54-варақ
2. ЎзР МА И 1-фонд, 2-рўйҳат, 6788-йиғма жилд; Собрание статей о странах Средней Азии Томъ II (статьи из газет) 65 статей; Вучетичъ Н. Из кочевой жизни туркменцев//Туркестанский сборник 1867 С.193. .
3. ЎзР МА И 125-фонд, 2-рўйҳат, 98-йиғма жилд, 22-варақ.
4. ЎзР МА И 1-фонд, 20-рўйҳат, 6785-йиғма жилд, 100-варақ.
5. Годлевский В.По поводу охоты на фазанов// Туркестанский ведомости, 1890 №6 С.23

6. ЎзР МА И 1-фонд, 20-рўйхат, 6785-йиғма жилд, 100-варақ; Арעדаренко Г. Скотоводство в Зерафшанской долине// Туркестанские ведомости, 1880 №34 - С.134-135.
7. ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варақ.
8. ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варақ.
9. ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 6-варақ.
10. ЎзР МА И 126-фонд, 1-рўйхат, 1135-йиғма жилд, 5-варақ..
11. ЎзР МА И 1-фонд, 1-рўйхат, 6785-йиғма жилд. Виноградарство в Ташкентском уезде//Туркестанский ведомости, 1903 год №40 С.244.
12. Зиёев Ҳ. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. –Т.,2000. Б. 18